

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1992 йил 12 сентябрь • шанба

№ 131 (10.380). Баҳоси 2 сўм.

## ТОЖИКИСТОН ДАРДИ—БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

ДУШАНБЕ ШАҲРИ

### ТОЖИКИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ АКБАРШО ИСКАНДАРОВГА ЖАҲОН ТОЖИКЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз қардош ва қондош тожик биродарлар!  
Жаҳон тожикларининг мўтабар анжуманини самимий муборакбод этаман.

Ислоҳ фалсафасига, урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиз бирлигига асосланган ўзбек ва тожик халқларининг яқдиллиги наслларимизнинг қон-қонига сингиб кетган ҳақиқатдир.

Бизнинг давлатларимиз эндиликда мустақиллик қаддини қўймоқда. Аммо истиқлол ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритилмаган. Бу йўл мураккаб тўсиқлардан иборатдир. Бугунги машаққатли кунларни енгиб ўтиш учун қадимий тожик миллатининг асрлар давомида шаклланган буюқ ақл-заковати, метин иродаси, сабр-тоқати етарли эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Ўтган авлод-аждоғларимиз, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби буюқ алломаларимиз руҳлари бизни шайтоний васвасалардан, баъзи ёвуз ниятларни кўзлаган ташқи сиёсий гуруҳлар фитнасидан асрасин, шаҳарларимизнинг харобаларга айланишидан, оналар ва гўдакларнинг ўкинчли кўз ёшлари бевақт тўкилишидан сақласин. Ўзбек халқи учун доимо жондош ва елкадош бўлган тожик биродарларимиз хонадонларида тезроқ тинчлик, осойишталик ва бирлик қарор топишини Олло-таолодан сўраб қоламан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом КАРИМОВ.  
Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 сентябрь.

### Ислом КАРИМОВ:

## «ТОЖИКИСТОНГА КИМ МАДАД БЕРАДИ?»

РАТА-ТАССнинг хабар беришича, Ўзбекистон Президенти кун кеча Франциянинг нуфузли «Либерасьон» газетаси мухбири билан суҳбатда Тожикистондаги вазиятни, жуда хавфли, деб баҳолади. «Қўшни республикадаги воқеаларни портлай деб турган бомбага қийслаш мумкин, — деди Президент, —

агар у ишга тушса, шундай можаролар юзага келадими, юзта Қорабоққа татийдиган бўлади».

«Афғонистондаги вазият Тожикистонга таъсир ўтказмасдан қолмайпти, — деб таъкидлади И. Каримов. — Бугунги кунда бу икки давлат ўртасида чегара деган нарсанинг ўзи йўқ. Тожикистонга ҳар кун қурол-яроғ

ва наша ташиб келинапти. Айрим маълумотларга қараганда, у ерда самолётларни уриб туширувчи «Стингер» ракеталари пайдо бўлган.

МДХ давлатлари ўртасида имзоланган ялпи хавфсизлик ҳақидаги шартнома хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Президенти Россияни бу минтақадаги барқарорлик ва

хавфсизлик кафили деб ҳисоблашни маълум қилди.

Ўзбекистонда яшовчи русларга бўлган муносабат масаласида Ислом Каримов «Уларнинг хавфсизлигига ҳеч ким таҳлика солаётгани йўқ, аксинча, миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар, барчанинг қонуний ҳуқуқи тўла таъминланган», деб айтди.

МЕХНАТ ҚИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Халқнинг бу мақолида катта хикмат бор. Ҳақиқатан ҳам меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмаган. Айниқса, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида мўл-кўлчиликни фақат астойдил меҳнат билангина яратиш мумкин.

Жамоа ҳужалигимиз меҳнатқашлари ҳам бир сўмларини икки сўм қилиш, ерлардан мумкин қадар мўл маҳсулот олиш учун астойдил курашмоқдалар. Пиллакорларимиз 190 кўти ипак кўрти уруғидан 9800 кылодан зиёд ҳосил етиштирдилар.

Меҳнатқашлар учун қўлай шароитлар яратиб бермоқдамиз. «Коммунизм» участкасидаги 100 дан зиёд хонадонга ичимлик суви келтирилди, мойжувоз ишга туширилди. Ҳужаликда кичик корхона ҳам ташкил этидик, бу ерда шлакбетонли ғиштлар тайёрланмоқда. Колхозчиларга уй қуриш учун 8—12 сотихдан, даладан эса деҳқончилик қилишлари учун 20 сотихдан ер берилмоқда.

Ҳозир колхоз хонадонларини газлаштириш бошлаб юборилди, кўчалар асфальтланмоқда, «Ғайрат» участкасида 392 ўрилли мактаб биноси қад кўтармонда.

Президентимиз тинчлик-хотиржамликни таъминлашга катта куч-ғайрат сарфламоқда. Зеро, кут-баракат — тинчлик-хотиржамликда. Шунинг учун ҳам жамоа ҳужалигимизнинг ўзбек, қозоқ, тожик миллатларига мансуб меҳнатқашлари бир ёқадан бош чиқариб, бир оила фарзандларидек меҳнат қилмоқдалар.

Сандул ИҶУЛДОШЕВ,  
Чиноз районидagi  
Собир Раҳимов номли жамоа ҳужалиги раиси.

### ИЖОДКОР

## ЁШЛАРГА МАДАД

Тошкентдаги «Интурист» маданият-ахборот марказида очилган кўрғазма «Виз» деб аталади. Бу ерда республикада ва унинг ташқарисида машҳур бўлган ва тасвирий санъатнинг янги, авангард йўналишини ўз ичода акс эттирган мўйқалам усталарининг 30 дан ортиқ асарлари намойиш қилинмоқда. Уларнинг услуби турлича, лекин ҳар бир асарда расомнинг ўзига хос бўлган жиҳатлар, тавлаб олган мавзусига ижодий ёндошуви сезилиб туради. К. Шерматов, А. Крикис, А. Мирзаев, М. Содиков ва бошқа мўйқалам усталарининг асарлари катта бир мавзунинг турли қирраларини акс эттирган дейиш мумкин.

Кўрғазмани Республика Маданият ишлари вазирлигининг «Истеъдод» ташқи иқтисодий фирмаси ташкил қилган. Бу ерга қўйилган асарларнинг ҳаммаси сотишга мўлжалланган. Суратларни сотишдан тушган маблагнинг бир қисми республикада маданиятни ривожлантиришга, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

(ЎЗА мухбири).

### ● ОБУНА—93

## ҲАММАМИЗ ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Ўтишни истардим. Балки иқтисодий шароит шунини талаб қилаётгандир. Бироқ ўзбек тилида бўлган нашрлар камайгани сари, аксинча, давлат тилида бўлмаган, аммо турли-туман ширкатларнинг нашрлари кўпайиб кетмоқда. Ҳозирги кунда миллий ўзлимиз, тилимиз равиқи учун қўллаб-эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллигимиз бир йиллигини байрам қилдик. Хал-

қимизнинг оғир кунда ҳам, қувончли айёмларида ҳам биринчилар қатори одамларга ҳамнафас бўлган матбуот нашрлари деб ҳисоблайман. Юрагимиз севинчдан тўлса, матбуотга ёзамиз. Ҳаётимиздаги муаммолар ҳақида ҳам ҳамдард бўлиб, матбуотга мурожаат қиламиз.

Назаримда, мустақил Ўзбекистонимиз келгуси истиқболининг бир жиҳати матбу-

от нашрларининг устиворлигига ҳам боғлиқ. Шу боисдан юртдошларимиз, ватанимиз келажагига бефарқ қарамайдиган ҳар бир одам матбуотни қўллаб-қувватлаши керак ва зарур, деб ҳисоблайман.

Мирхон ОРИПОВ,  
Тошкент «Безаш» корхонаси раҳбари, Ўзбекистон меъморлар уюшмаси аъзоси.

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» СИЗЛАР УЧУН

### ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1995 йил учун обуна давом этмоқда. Сиз сеvimли ва қадрдон газетангизни янги йилнинг 1 январидан мунтазам ўқишни истасангиз шу кунларда алоқа бўлимларига, обуна қабул қилиш пунктларига келинг. Алоқа бўлимлари ходимлари, матбуот тарқатувчилар Сизларга обунани расмийлаштиришда ёрдам беришади.

Шуни унутмангки, «Тошкент ҳақиқати»

дўконларга чекланган миқдорда чиқади, уни сотиб олиш қийин. Бунинг устига газета обуначига сотувдагига қараганда анча арзонга тушади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 366 сўм 60 тийин. Олти ойга — 183 сўм 30 тийин, уч ойга — 91 сўм 65 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» индекси—64672.

## • Долзарб мавзуда суҳбат

БОЗОР муносабатларига ўтиш бирмунча мураккаблашиб бормоқда. Истеъмол маҳсулотларининг нархи ва маънавий хизмат кўрсатиш ҳақлари бир неча бараварга ўсди. Бу эса ўз-ўзидан биринчи навбатда кам таъминланган оилалар, нафақачилар, ёлғизлар ва ногиронларга қийинчилик туғдирди.

Хўш, шундай экан нима қилиш керак? Бизнингча, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш зарур. Чунки улар бутун умрини, бор ғайратини халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга сарф этган. Энди пенсионерларнинг нафақа миқдорларини ошириш зарур.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов Мустақиллик байрами муносабати билан «1992 йил 1 сентябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармонни имзолади. Бу тadbир республикамиз ҳукуматининг нафақа олувчиларга кўрсатилган навбатдаги ғамхўрлигидир. Биз ушбу фармоннинг амалда қандай жорий этилиши хусусида Тошкент вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиги Нажим Назирович НАЗИРОВга бир неча саволлар билан муурожаат этдик.

— Нажим Назирович, аввало нафақачиларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ва уларга нафақа қай тарзда белгилашни тушунтириб берсангиз?

— Истеъмол маҳсулотлари ва хизмат кўрсатиш ҳақларининг бирданга кескин ўзгариб туриши нафақачиларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш зарурлигини кўрсатди. Республикамиз Президентининг Фармони кам таъминланган аҳоли қатламлари учун катта ғамхўрлик бўлди. Президентимизнинг аввалги фармонига кўра меҳнат нафақаларининг энг кам миқдори 1000 сўм, уруш қатнашчилари ва ногиронлариники 1300 сўм қилиб белгиланган эди. Ҳозирга келиб бу миқдор камлиги биланиб қолди. Сабаби, юқорида айтиб ўтганимиздек, давр ўзгарди, нарх-наволар ўсди. Фармонга мувофиқ 1992 йил 1 сентябрдан фуқароларнинг иш стажлари ва иш ҳақларига қараб меҳнат нафақалари белгиланади. Яъни нафақа тайинлашда нафақаларнинг табақалаштирилган миқдорлари жорий этилди. Шунинг учун ҳам нафақа миқдорларидаги тенгликни бартараф қилиш, нафақани меҳнат стаж ва иш ҳақига кўра белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тузатувчи коэффициентлар тасдиқланди.

Мазкур фармойишга мувофиқ 1992 йил 1 сентябрдан пенсиялар тегишли тузатувчи коэффициентлар қўлланилган иш ҳақларидан қайта ҳисоблаб чиқарилади. Шунингдек, эракаларга 25 йилдан, аёлларга 20 йилдан ортқ ишлаган ҳар бир йил учун қариллик пенсиясининг энг кам миқдори иш ҳақининг бир фоизига оширилади.

Коэффициентларни қўллашда Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган ҳужжатга асосланиб, ўртача иш ҳақлари йилма-йил акс эттирилади. Бунда иш ҳақи миқдори нафақанинг қайси йилда та-

йинланганлигига (қайта ҳисобланган пайтига) боғлиқ бўлади. Қайтадан ҳисобланган иш ҳақи миқдори янги нафақа миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун асос қилиб олинади. Коэффициентни қўллашни мисоллар билан тушунтириш керак. Масалан, илгариги иш ҳақларини ҳозирги замон иш ҳақларига яқинлаштириш мақсадида белгиланган тузатувчи коэффициентлар нафақалар тайинланган вақтидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича тартибда қўлланилади:

1. Нафақа 1992 йил 1 январгача тайинланган ёки қайта ҳисобланган ҳолларда, у тайинланган ва қайта ҳисобланган йил учун тегишли бўлган тузатувчи коэффициентни ўртача иш ҳақига нисбатан қўлланилади.

2. Агар нафақа миқдори 1992 йил 1 январдан кейин тайинланган ёки 1992 йилнинг иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисобланган бўлса, тузатиш коэффициентлари инobatта олинган ҳар бир тааллуқли йилнинг иш стажига нисбатан қўлланилади.

1992 йилгача бўлган юқорида иш ҳақидан нафақа 1992 йил 1 июлдан кейин қайта ҳисобланганда бу иш ҳақига коэффициент қўлланилмайди. Унинг фақат ҳақиқий миқдори ҳисобга олинishi мумкин.

3. Агар боқувчисини йўқотганлик нафақаси вафот этган нафақачи оиласига тайинланган бўлса, уни қайта ҳисоблаш учун янги иш ҳақи нафақачининг ўзига қандай аниқланса, худди шу тартибда аниқланади.

### • ИЖТИМОИЙ

### • ХИМОЯЛАШ

### • ЙУЛИДАГИ

### • ЯНА БИР

### • ҒАМХЎРЛИК

# НАФАҚАЛАР ОШИРИЛДИ

1992 йил 1 июлгача вафот этган нафақачининг оиласи боқувчисининг иш ҳақи тўғрисида қўшимча ҳужжатлар тақдим қилса (юқорида иш ҳақи билан), тузатувчи коэффициент боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланган йилга нисбатан белгиланган тартибда қўлланилади.

— 1992 йил 1 январгача тайинланган (қайта) ҳисобланган нафақалар қандай ҳисобланади?

— 1992 йил 1 январгача пенсияга чиққан нафақачиларнинг нафақа ҳисобланган ўртача иш ҳақлари нафақа тайинланган йилга тўғри келган тузатувчи коэффициентга кўпайтирилади.

Мисол: Мақсудовга қариллик нафақаси 1970 йилда 1969 йилнинг 125 сўм ўртача иш ҳақида тайинланган. Умумий иш стаж ва 33 йил.

Нафақа қуйидагича ҳисобланади.

1). ўртача иш ҳақи 1970 йилнинг, яъни нафақа тайинланган йилнинг тузатувчи коэффициентига кўпайтирилади.  $125 \times 2,8 = 2850$  сўм.

2) 1992 йил 1 сентябрдаги нафақа миқдори Қонундаги тартибда аниқланади; яъни янги ойлигидан 63% миқдорда белгиланади.

1992 йил 1 сентябрдан бошлаб республикада амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ нафақа тайинлаш учун муурожаат этган кишининг ўртача ойлик иш ҳақи кейинги 15 йиллик иш вақтининг исталган 60 ойидан олинади. Бунда иш стаждаги узиллишларга эътибор берилмайди.

Масалан, ўртоқ Раҳимовга 1992 йилнинг январидан нафақа 1967—1991 йилларнинг ўртача иш ҳақидан тайинланган. Унинг умумий иш стаж ва 32 йил.

Ҳар бир йилдаги иш ҳақларининг умумий миқдори қуйидагича:

1987 йилда — 2110 сўм;  
1988 йилда — 2220 сўм;  
1989 йилда — 2470 сўм;  
1990 йилда — 2650 сўм;  
1991 йилда — 3780 сўм.

Уларнинг умумий йиғиндисини ҳисоблаб, 60 га бўлиб, кейин унинг 71 фоизини олсак, яъни, нафақа миқдори келиб чиқади. Лекин шундай ҳоллар бўладики, ўртача иш ҳақининг энг кам миқдори фармонда белгиланганидек, 1250 сўм бўлмаслиги мум-

— Кечирасиз, кишилар қандай нафақа ҳуқуқларига эга?

— Бир киши тўрт хил тоифадаги нафақани олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Буларнинг энг асосийси меҳнат нафақаси. Ҳар бир киши биринчи навбатда меҳнат нафақасини расмийлаштириши даркор. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларга оид, ижтимоий, боқувчисини йўқотганлик тўғрисидаги нафақалар бор. Ижтимоий таъминот бўлимлари буларнинг барчасини кўриб чиқади. Қайси бири маъқул бўлса, (иш ҳақи юқорида бўлса) ўшани расмийлаштиради. Шахсий нафақачилар ҳам биринчи навбатда жойлардаги бўлимларимизда меҳнат нафақаларини расмийлаштиришлари даркор.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгандан бери ҳали меҳнаткашларга нафақа тайинлаш тўғрисидаги ўз қонунларини қабул қилгани йўқ. Ҳозирча собиқ Иттифоқнинг фуқароларни пенсия билан таъминлаш тўғрисидаги қонунлари асосида иш олиб бораёмиз. Ўзбекистон Республикаси ўзининг мукамал қонунини ишлаб чиқмас экан, бу соҳада ҳали камчиликлар бўлиши табиий.

— Ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида моддий ва маънавий томондан ҳимоя қилинганми?

— Юқорида таъкидлаганимиздек, жойлардаги барча бўлимларимизда иш қизғин. Лекин баъзи ходимларимиз эски биналарда, зах хоналарда иш олиб боришяпти. Вилоят ҳокими ўртоқ С. Д. Сайдалиев бу ҳақда қайғуриб ижтимоий таъминот бўлимларига эътибор кучайтирилиши хусусида район ва шаҳар ҳўкмидаларига хат тайёрлаб, уларга зарур ёрдам кўрсатилишини ва чоралар кўриш тўғрисида илтимос қилган. Ахир ўзингиз ўйланг, киши моддий ва маънавий томондан рабатлантирилмас экан, иш ҳам тез силжийвермайди. Шунга қарамай вилоятимиздаги барча нафақачилар сал кечикиб бўлса-да, сентябрь ойи учун тўланадиган нафақаларини албатта, оладилар. Яна шу нарса ни таъкидлашни истар эдимки, ҳар бир нафақачи ўзининг ҳужжатларини расмийлаштириётганда агар у техникум, олий ўқув юрти, академия ва бошқа шу каби ташкилотларда ўқиган бўлса ёки пенсия тайинлангандан кейин ишлаган бўлса, қарамонда ишга қобилитетиз оила аъзолари бўлса, бу ҳақда ҳужжатларини топширмаган бўлса, дарҳол топширишини илтимос қиламиз. Шу ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг иш ҳақининг 75 фоиз ҳисобида нафақа олишлари мумкин.

Суҳбатни Х. ЮНУСОВ олиб борди.



«АВТАШ» Чехословакия—Ўзбекистон қўшма корхонаси республикамиз бозорига «Авиа» автомобилларининг дастлабкиларини етказиб берди. Бу корхона халқ хўжалиги учун юк автомобиллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозирча чиқарилган машиналарнинг бир қисми Прагада, иккинчи қисми Тошкентда йиғилди.

Суратда: Қўшма корхона халқ хўжалиги учун шундай автомобилларни тайёрлаб беради.

В. МИЛЕНЬКИЙ сурати. (Ўза).







Муштарийлар илтимосига кўра

«СЕВГАН ҚЎШИҒИМНИ АЙТА ОЛГАНИМ ЙЎҚ»

«Хурматли муҳарририят! Мен ва дугоналарим Ўзбекистон давлат Телевидение ва радио компанияси қошидаги дуторчи қизлар дастаси хонандаси Раъно Бўронова қўшиқларини севиб тинглаймиз. Илтимос, шу хонанда билан газетада суҳбат уюштирсангиз.

Салом билан, Муҳайё Алимова, «Орзу» кўнмуёйна ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси».

БУ санъаткор билан суҳбатлашишдан олдин ўзимча турли саволлар тузиб қўйгандим. Унинг самимийлиги, ширинсуҳанлиги, мулоқотнинг «бир қолипда» ўтишига барҳам берди. Фақат суҳбат давомида туғилган саволларгина қорозга тушди, холос. Дарвоқе, унинг номи кўпчиликка маълум. Хонанданинг суратини кўриб қўшиқ мухлислари таниган бўлишса ажабмас. Шунинг учун ҳам сўз бошида таърифлашни ортиқча ҳисобладим. Зеро истеъдодли санъаткорга ҳақиқий таърифни халқ беради.

— Бир вақтлар бобом — Мамажон гижокакчини Наманган тарафларда танитган одам йўқ эди, дейди Раънохон. — Кўп санъаткорлар у кишини ўзларига устоз билишарди. Афсус, иккиро этган асарлари ёзувда қолмаган. Тоғам — Аҳмадхон Мамажонов ҳам юртва танилганлардан. Эҳтимол шу йўлни танлашим уларнинг таъсиридан бўлса керак. Кексалар тили билан айтганда улардан ўтган. Авлодларим поплик. Мен ҳам ўша ерда туғилиб, катта бўлганман.

— Бу дастага қачон ишга келгансиз?

— Минг тўққиз юз етмиш еттинчи йили Тошкент Санъат олийгоҳига ўқишга кирдим. Мусиқали драма ва комедия актёрлиги бўлимини тугатганман. Атоқли устоз Раззоқ Ҳамроев курсида таълим олдим. Жойлари жаннатда бўлсин, ажойиб инсон эдилар. Биласиз, 1979 йили дуторчи қизлар дастаси ташкил этилди. Дастлабки чиқишларини кўрдиму қизлар сафига қўшилиш орзуси менга тинчлик бермай қўйди. Бир йилни ўтказиб устозимиз, меҳрибон инсон Ганижон ака Тошматов ҳузурларига бордим. Машҳур бастакорга «Нурхон» арийсидаги «Эй сабо»ни айтиб бердим. Домла «бўлди қи-

зим, маъқул» дедилар. Ўн икки кундаёқ ишга қабул қилиндим.

Лекин яккахон хонанда сифатида кейинроқ танилдингиз...

— Тўғри пайқабсиз. Аввалида ботина олмадим. Тортинчоқлик-ми, ё ҳадиксирашми ишқилиб, нимадир тўқинлик қиларди. Шу-одат ҳали ҳам бор. Батъилар бу яхши, масъулиятни оширади, дейишади.

— Кимларни устозим деб биласиз?

— Биринчи мураббийим — институтда вокалдан дарс берган Евгения Лаврентьевна Кочан. Салимбой ака Далиевдан ҳам кўп нарса ўргандим. Лекин менга энг кўп меҳнати сийган инсон — домла Ганижон Тошматов бўладилар. У киши маънавий отамиз. Нафақат санъатда, одоб-ахлоқда, одамийликда барчамизга ибратлар. Шундай одамнинг шогирди эканлигимдан чексиз фахрланаман.

— Қайси қўшиқчилар маҳорати сизни кўпроқ мафтун этади? Тақлидга муносабатингиз? Айримлар майли, у ҳам керак, дейишса, бошқалар буткул қарши. Сизнинг фикрингиз?

— Ҳалима Носирова, Берта Давидова, Ҳабиба Охунова ва Коммуна Исмоилова айтган ашулаларни берилиб тинглайман. Улардан таъсирланаман. Тақлидга келсак, ҳар кимнинг ўз йўли, ўз услуби бўлгани яхши. Лозим топган олдин кимдир куйлаган қўшиқнинг мусиқасини олиб бошқачароқ иккиро этсин. Лекин ўз овози бўлсин. Бировнинг овозини такрорлаган билан санъатимиз бойимайди.

— Миллий асарни Оврўпо усулида айтиш, ўзбек санъатига чет эллар чолғу асбобларининг кириб келишига нима дейсиз?

— Нима учун керакми-

керакмасми Оврўподан ўзлаштиришимиз, ундан ўрганишимиз лозим экан? Ахир биз оврўполик эмас, ўзбекмиз. Узоқ тарихга эга бой, бетакрор санъатимиз бор. Тўғри, ҳозир эстрада замони. Чиройли чиқсин учун баъзида гитарани қўшиш мумкин. Лекин ҳаммасига тиқиштиравериш шарт эмас. Тўйга борсангиз гумбур-гумбур, шовқиндан қулоғингиз битади. Ҳеч нима ёшитмайсиз. Айрим санъаткорлар атай шунга мослашиб олишган. Сабаби, ўшанда овозлари ширали эмаслиги билинмайди. Бақир-чақир орасида кетаверади. Хуллас, шахсан мен бунга ёқмайман. Лекин тан олиш керак, ҳатто хорижликлар ҳавас қиладиган даражада қойил қилиб айтадиган эстрада хонандаларимиз оз эмас.

— Аёлда аввало қандай ҳислатлар бўлиши шарт, деб ўйлайсиз?

— Биринчи галда моҳир пазаанда бўлсин, озодагарчилик эртаю-кеч этиборидан чекда қолмасин. Баъзи аёлларни кўчада кўриб, ҳавасингиз келади. Уйига бориб қолсангиз ивирсангиз, ҳамма нарса пала-партиш. Кўриб таъбингиз хира тортади. Ўзимдан мисол: агар уйим тоза бўлмаса, ўзимга қараш кўнглимга сиймайди. Меҳмон келса, палов дамлашни, карам дўлма пиширишни ёқтираман. Оилада оқила рафиқа, меҳрибон она бўлишга интиламан. Бир қиз, бир ўғлимиз бор. Турмуш ўртоғим жуда яхшилар. Санъатни тушунадилар, мени ҳурмат қиладилар. Бир аёлнинг бахти шу бўлса керак, деб ўйлайман.

— Санъаткор бўлмаганингизда қайси касбини танлар эдингиз?

— Болалар шифокори. Фикримча мендан ёмон врач чиқмасди.

— Кимлар билан ҳамкорликда ижод қилиш сиз учун мароқли?

— Анча йиллардан буён Замира Суёнова, Замира Раҳматуллаева, Саодат Туронова, Ҳурматоӣ Жониева, Хурсия Эсонова билан ёна-ён ишлаб келаётганимдан хурсандман. Бир-биримизни



тушунамиз, бир-биримизга жуда ўрганганмиз.

— Айтайлик, дуторчи қизлар дастасига қабул қилинмаганингизда театрга боришни мўлжаллаганингиз?

— Ҳа, Наманган вилоят театрига йўлланма олардим. У ердан келган вакиллар ҳам мени кўзлаб қўйишганди. Нокамтарликка йўллангуну, ҳар қандай театрининг етакчи актёри бўлишим мумкин эди.

— Севган қўшиғингиз?

— Яқинда республикамиз Мустақиллигига бағишлаб «Ўзбегим — менинг» номли фильм-концерт тайёрладик. Ўзимга маъқул бўлди. Яна Тулан Низом шеъри (З. Раҳматуллаева мусиқаси) устида ишляпман. Абдуҳошим ака Исмоиловдан иккита ашула ёзиб олганман. Умид қиламанки, улар қўшиқ шинавандаларига манзур бўлади. Саволингизга аниқ жавоб қайтарсам — менимча қалбимни буткул забт этган ашуламни ҳали айтганим йўқ.

— Нималарни кўпроқ ёқтирасиз ва ёқтирмайдиганларингиз?

— Ёлғизликни. Бир ўзим табиат бағрида хаёл суришни, шеър ёзишни севаман. Уйни бир ўзим йиғиштиришни ёқтираман. Ёқтирмайдиганим дилдорлик. Инсон кўнглини арзинмаган гап билан вайрон қилиш мумкин.

Яқинда дўхтирхонага боргандим. Мени даволоччи шифокор аёл ўрнида йўқ эди. Ҳамхонасига салом бериб уни сўрадим. У эса алин ўрнига энсаси қотиб «нима?» деди. Ана аёллик назокати, фаросати. Ранжиб «бу нима деганингиз опажон, наҳотки тўғри жавоб бериш шунчалар қийин», дедим. Ҳозир ўз қадрини ерга урадиган хотин-қизлар кўплигидан хавфаман. Бегона одам машинасини тўхтатса, ўтириб кетаверадиган қизларни кўриб эзиламан. Яна ёқтирмайдиганим — баъзилар битта болали бўлгач, ўзларига буткул қарамай қўядилар. Бу яхши эмас. Аёл оилада доим ўрнат бўлиши даркор. Гўзалликни инсон яратади, деган гап бежиз айтилмаган.

— Фирзандларингиз санъаткор бўлишига қандай қарайсиз? Бўш вақтингизда севган машғулотиңгиз?

— Қизимда санъатга қизиқиш бор. Истеъдодли. Аммо менга қолса — врач бўлса дейман. Отаси ҳуқуқшунос бўлишини истайдилар. Бўш вақт эса жуда кам. Шундай имконият туғилса, ором олсам дейман.

— Самимий суҳбатингиз учун кўп раҳмат.

Суҳбатдош:  
Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ  
Р. ШАРИПОВ олган сурат.

Янги шеърлар

ҲАЛОВАТ ИСТАГИ

Ҳаловат истаюр бу жон, вале ором топилмайду,  
Дилим шодон этурга бир ёр — дилором топилмайду.

Саҳардин то шаби торик қидирдим мен ҳаловатни,  
Нетай, на бир субҳи хуш, на фараҳли шом топилмайду.

Кўнгул ҳумида гам ноби бўлиб лим-лим тошай дерку,  
Кўзимдин гар қуй дерман, қўюрга жом топилмайду.

Жуноулиқ — телбалиг камдир маним ҳолимни айтурга,  
Мулки сўзда бу ҳолимга бирорта ном топилмайду.

Ғазал битмак илинжида олгамен илкима довод,  
Эй Дилмурод, тўнилтай дард, шеърга илҳом топилмайду.

ДИЛ

Эй қаро кўз, рангима ҳеч, ўзгани ёр этса дил,  
Сендан бу кун буткул кечиб, ишқин такрор этса дил.

Сен муҳаббат шеъасидин оқизсан сўз айтмога,  
Шул сабабдин не ажаб, ўзгага гуфтор этса дил.

Сен ҳавасни ишқ дея кўнглимга боғлаб қўйдингу  
Куйма бандиндин кечиб, гар ҳавасни хор этса дил.

Хору зорликлар ўтур чуки умр фоний дурур,  
Ёр, мени қилма маломат охират кор этса дил...

Дил муродим деб сени бошнйга қўймоқ истадим,  
Найлайки, мағрур туриб, орини шпор этса дил.

ҚЎРҚАМЕН

Дилбарим, ишқдин эмас, ҳижрон ғамидин қўрқамен,  
Ушбу дунёнинг яна бир-бир камидин қўрқамен.

Мен висол орзусида заҳмат чекибмен нечарлар,  
Билганим бонс бу кун заҳмат дамидин қўрқамен.

Мисли парвона дилим урди ўзини сен томон,  
Куйгамен ҳам ёнгамен — ҳуснинг шамидин қўрқамен.

Қолмади асло сабур, олди маломатлар уни,  
Дардим айтиб йиғларга кўзининг намидин қўрқамен.

Қўрқма, эй сен, Дилмурод, ўткинчи дунё бу — ўтар,  
Лек нетай кетгунча мен келган дамидин қўрқамен...

Дилмурод САИДОВ.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

● Гули, менинг бошимдан териб келинг.  
(Суст пахта теримчининг гапидан).

● — Унг қўлингизни териб кетмайсанми?  
(Пахта бригадирининг танбехидан).

● «Эҳ аттанг, «маҳсулдор моллар»ни «маҳсулдор чоллар», деб ўтказиб юборибман-ку».

(Мусаҳҳиқнинг афсусидан).  
● Чакагининг учир, Нодир, қулоқни единг-ку, ахир!  
(Жаҳлдор ота танбехи).

● «Кўшининг эшага бўшалиб кетиб, атиргулни емоқчи бўлди. Аммо гулни емай, ҳидлаб «жилмайиб қўйди».  
(Бир ҳаваскорнинг ҳикоясидан).

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.





• Қутлов •

# «МИРЗА ҒОЛИБ» ОТАХОНИ

Мен Убайдуллани ёшлигидан биламан. Ўрта мактабни бирга тугаллаганмиз. У ўта самимийлиги, дилкаш-дилбарлиги билан ажралиб турарди. Ҳавасми, иштиёқми билмадим, у аввалига транспортчи муҳандис бўлмоқчи эди. Лекин ундаги дўст-биродарларга, инсонларга нисбатан меҳр-муруват фазилати назаримда доришунос илмини эгаллашга ундади. Қолаверса отаси ва давримизнинг илғор зиёлиларидан бўлган Иноят Махсумов ҳам шу касбни эгаллашга астойдил иштиёқ уйғотдилар. У 1955 йилда фармацевтика илмгоҳини тугатгач ўз касбига чинакам меҳр қўйиб меҳнат қила бошлади, 1963 йилдан буён Тошкентда турли ташкилот, муассаса, корхоналар бош дорихоналарида ишлаганида шу нарсани яна чуқур англадики, одамларнинг сihat-саломатлиги фақат дори-дармон билангина эмас. Ҳар бир одамнинг соғлиги аввало уйдаги, маҳалладаги хотиржамлигидандир. Бунга эришмоқ эса маҳалла аҳлининг тотувлиги, фаолларнинг ишбилармонлиги ва тadbирдорлигига боғлиқ.

Убайдулла Тошкент фармацевтика ишлаб чиқариш бирлашмасининг 74-дорихонаси мудирлигидан ортган вақтларида маҳалла юмушларига аралашиб юрганида ташкилотчилиги билан тез танилди. Шу туфайли кўп ўтмай уни 2,5 минг аҳоли истиқомат қиладиган Мирза Ғолиб номли маҳаллага раис қилиб сайлашди. Мана ўшандан буён 13 йил ўтди. Бу давр мобайнида маҳаллада катта ободончилик ишлари олиб борилди. Ошхона, чойхона, бозор ва бошқа хизмат кўрсатувчи тармоқлар, клуб, кичкинагина истироҳат боғи... Ҳозирги кунда катта мачит ва мадраса қурилмоқда.

Агар маҳаллада истиқомат қилувчиларнинг акса-



рияти олиму фузалолардан иборат эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак — улар билан тил топишиш, зарур бўлганда маслаҳатлар бериш, фикрлашиш, бахслашиш керак бўлади. Убайдулла бунинг уддасидан чиқмоқда. Ҳар кимнинг дардига, ҳасратига, қувончига шерик бўлишга ҳаракат қилади. Барча ишларни жамоатчилик асосида бамаслаҳат ҳал этади, елади, югуради, ўз қадрдон маҳалласи учун жон куйдиради. Оила аъзолари ҳам унга яқиндан кўмакчидирлар.

Дарвоқе унинг оиласини доришунос, шифокорлар оиласи деса бўлади. Турмуш ўртоғи, курсдоши Муҳаббат узоқ йил бирга ишлашди. Ҳозир нафақага чиққан, ўғли Шўҳрат Қибрайдаги марказий дорихона бошлиғи. Келини Дилбар ҳам доришунос. Қизи Комила кимёгар. Умида ҳам доришунос, Нодира шифокор биолог...

— Булар менинг ҳаётим давомчилари, суюкли шогирдларим, улар билан фахрланаман, — дейди у.

Убайдулла Пўлатовнинг шогирдлари кўп. Ҳайдар Нуъмонов, Муҳаббат Орифхўжаева, Фатхиддин Нурид-

динов. Ҳозирги кунда улар мустақил меҳнат қилишмоқда.

Мен дўстим Убайдуллани қутлуғ 60 ёши билан қутлагани бориб биров суҳбатлашиб қолдим. Шунда шинамгина ҳовли-жойдаги саранжом-сарипталикка, очини, ҳавасим келди. Ҳар хил мевали дарахтлар, гуллар. Шу ҳақда суҳбатлашиб Убайдулланинг боғ шайдоси эканлигини ҳам билиб олдим. Маҳалладаги ҳар бир хонадонда, йўл чекналаридан мевали дарахтлар, катта қўчанинг икки бетида эса ўрин ўстирилётгани бежиз эмаслигини ҳис этдим. Маҳалла раиси ҳар йили ўзи ташаббус кўрсатиб турли мевали дарахт кўчатларини олдириб келиб хонадонларга тарқатади, ўзи бош-қош бўлиб оқдиради. Нақадар савобли иш бу!

Биз уйда суҳбатлашиб ўтирганимизда Убайдуллани йўқлаб икки-уч киши келиб кетди. Ҳар бири билан ўзига яраша муомала қилиб маслаҳатлар бериб жўнатди.

Билдимки, бу фидойи одамнинг ишдан келиб бундоқ ёзилиб ўтирадиган онлари камдан кам бўларкан. Баъзида аёли ачиниб койи-гандек бўлади. «Сал ўзингизга ҳам қарасангиз бўлмайдими, ахир! Соғлигингиз ҳам илгаригидек эмас...»

— Шунинг учун ҳам одамлар билан кўпроқ бирга бўлишим керак-да, — дейди Убайдулла ака қулиб. — Қўнғил кўнғилдан сув ичади. Бу сув ҳар қандай дардга малҳамдир.

Кўнғил эса нозик ва ширлар таърифлаганидек, чини пиёладир. Ҳамиша эъзозда, ардоқда бўлишга лойиқ ва мойилдир. Қалби тоза, покиза одамларгина бу мойиллиқни тўғри англаб тушунадилар. Убайдулла Пўлатовнинг бахти, баркамоллиги ҳам шундандир.

Н. РИХСИЕВ.



СИЗ ушбу суратда кўриб турган бахтиёр оналар учун 1 сентябрь кўш қувонч олиб келди. Республикамиз Мустақиллигининг бир йиллиги нишонланаётган байрам кунини улар фарзанд кўриб Президентимиз совғасини олишга мушарраф бўлдилар.

Пойтахтимизнинг Юнусобод районидаги 5-туғуруқхонада Дилфуза Чукматова, Лола Очилова ва Барно Абдуқодироваларнинг қувончлари чексиз.

Р. ШАҒАЕВ суратга олган (ЎзА).

Нашрдан чиқди

## ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ ҲАҚИДА

Адабиётшунос, педагог олим, ёзувчи Мажид Ҳасанийнинг янги рисоласи «Туркистон босқини» («Нур» нашриёти, Тошкент, 1992 йил) деб номланган. Тарихий ҳужжатлар, ноёб қўлёзма ва босма адабиётлар замирида яратилган бу китоб XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкаси (Туркистон) Россия империяси томонидан ҳарбий куч билан босиб олинганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Унда чор Россияси босқини даврида Туркистон ўлкаси бойлиқларининг талон-тарож қилиниши, чор Россиясининг фон Кауфман, Скобелев, Куропаткин, Иванов, Черняев, Головачев каби юзлаб генераллари ва зобитларининг турли қилмишлари ҳужжатлар асосида кенг ёритилди. Китобда Ўрта Осиёнинг забт этилиши ҳақидаги йилнома ҳам

берилган. Туркистон босқинига доир машҳур алломалар, тарихчилар, олимлар, ўзбек зиёлиларининг фикрлари келтирилган.

Тарих ҳақиқати ҳақидаги бу китоб 10 минг эмас, балки кўпроқ нусхада чоп этилганда мақсадга мувофиқ бўлур эди.



### • Ҳар тўғрида •

#### 12 ТА ЭМАС, ИККИТА...

Исроиллик 33 ёшли аёл буйида бўлиши учун гормон билан муолажа қилинди. Ҳомиладорлиқнинг иккинчи ойида тиббиёт ходимлари унда 12 эмбрион борлигини аниқладилар, деб ёзади «Бильд Цайтунг» газетаси. «Ҳеч бир аёл бир йўла 12 нафар бола туғишга қодир

эмас» — деди профессор И. Мейцнер. Шунинг учун иккита эмбрионни қолдириб, қолганларини олиб ташлаш зарур демоқдалар. Ноёб операция амалга ошганича йўқ.

#### 17 Ёшли БУВИ

Қора танли мусулмон аёли Мум-Зи — Нигериянинг Каоабар шаҳрида яшовчи

жаҳондаги энг ёш буви ҳисобланса керак. Мум-Зи 8 ёшу 4 ойлигида кўзи ёриб қиз туққан эди. Унинг бу қизи ҳам ўз навбатида 8 ёшида она бўлиб қолди. Шундай қилиб Мум-Зи 17 ёшидаёқ буви бўлиш «бахтига» муяссар бўлди, деб хабар беради Францияда чиқадиган «Сьянс э ви» журнали.

(«ТРУД»дан).

## ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

«Ўзбекнефтегазстрой»нинг 5-механизация бошқармаси қуйидаги қурилиш техникасини

ЖОРИЙ ВА АСОСИЙ ТАЪМИРЛАШДАН УТКАЗАДИ:

— «Беларусь», Т-100, Т-100М, Т-130, Т-4, ДТ-75 тракторлари ва улар негиздаги бульдозерлар;  
— ватанимизда ишлаб чиқарилган барча маркалардаги қувур ётқизувчи мосламалар;  
— ЭО-2621, ЭО-4121, ЭО-4124, ЭО-3322 эскеваторлари;

— АДД-305 пайвандлаш агрегатлари;  
— ДЭС-30, ДЭС-60 электр станциялари.

МАНЗИЛИМИЗ: 700161, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 47-уй.  
Телефон: 76-86-55.

Тошкент вилояти кинолаштириш бошқармасининг ёнилги-мойлаш маҳсулотлари 1-чорак уч бурчакли муҳри йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Муҳаррир  
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.